



ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь куни давлат объектларини хусусийлаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Иқтисодиётда давлат иштироки камай-тирилиб, хусусий тадбиркорлик ривожига кенг ўрин берилмоқда. 2021-2022 йилларда давлат улуши бўлган корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш режалаштирилган. Жорий йилда 4 триллион 500 миллиард сўмлик 619 та давлат активи сотилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимида Шавкат Мирзиёев давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислох этишининг устувор вазифаларидан бири бўлишини айтган эди.

Йиғилишда шу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари хусусийлаштиришнинг янги усулларини жорий этиш ва унинг барча босқичларида очиқ-ошкораликни таъминлаш энг асосий масала эканини таъкидлади.

Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Шу мақсадда, нуфузли хорижий консалтингларни жалб қилган ҳолда, йирик тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, стратегик корхоналар бошқарувида халқаро малакага эга менежерларни жалб қилиш зарурлиги айтилди. Қиймати 10 миллион доллардан юқори бўлган активларни сотиш жараёнида тақлифларни

қабул қилиш ва уларни баҳолаш мустақил хорижий консалтант томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Соҳада келгуси йилга мўлжалланган вазифалар ҳам кўп. Жумладан, 32 та йирик давлат активини сотиш, "Ўзсаноатқурилишбанк"ни хусусийлаштириш, давлат корхоналарининг 368 та носоҳавий ва самарасиз активларини савдога чиқариш режалаштирилган. Худудларда 770 та актив сотишга тайёрланган. Булар орқали бюджетга қарийб 10 триллион сўм тушум таъминланиши кўзда тутилган. Мутасаддиларга шу борадаги ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз давлат корхоналарига стратегик инвесторларни жалб қилиш, фақат мавжуд қувватларни ишлатиш билан чекланмасдан, корхоналар фаолиятини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мисол учун, "Навоийазот" акциядорлик жамияти негизда учта алоҳида корхона ташкил этган ҳолда, "кимё саноати кластери" фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу кластер инфрақурилишини бошқариш учун тажрибали хусусий оператор жалб қилинади.

Давлатимиз раҳбари инвесторлар сармоя киритиш билан бирга янги лойиҳалар тақлиф қилиши, замонавий билим ва технологияларни олиб келиши муҳимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга, шуларни инobatта олган ҳолда, 2022 йил учун хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИДА ЭКОТУРИЗМ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари 8 ноябрь куни Айдар-Арносой кўллари тизимида экологик барқарорликни сақлаш ва экотуризмни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу ҳақда Шавкат Мирзиёев Навоий ва Жиззах вилоятларида бўлган сайловолди учрашувларида айтган эди. Йиғилишда шу борадаги аниқ режалар ва эришиладиган натижалар кўриб чиқилди.

Худудда экотуризмни ривожлантириш учун, аввало, сув ҳажми барқарорлигини таъминлаш, биохилма-хилликни асраш кераклиги таъкидланди. Кўллари атрофида қўшимча сайёҳлик зоналари ва дам олиш масканлари барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу боис, тадбиркорларни жалб қилиб, кўллари ижарага берган ҳолда, кластер усулида балиқ етиштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда ушбу худуддан йилига бор-йўғи 4 минг тонна балиқ овланмоқда. Шароит яратиш ва ишларни тизимли ташкил қилиш ҳисобига бу ҳажми 20 минг тоннага етказиш ва бу орқали янги иш ўринлари яратиш мумкин. Шу боис, тадбиркорларни жалб қилиб, кўллари ижарага берган ҳолда, кластер усулида балиқ етиштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундай лойиҳаларни кўлайитириш, кредитлар ажратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Айдар-Арносой кўллари тизимининг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди. Унинг доирасида кўллари тизимида сув сатҳини барқарор сақлаш ва шўрланиш даражасини камайитириш чоралари кўрилади. Қирғоқлар бўйидаги 800 гектар ерда дарахт ва буталар экилади.

Худудда экологик хавфсизликни кучайтириш, браконьерлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

ЎЗА

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАР ВА ХАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИГА БИНОАН ЎТГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЎРҚИН ТАНТАНАСИ

Шу йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижалари мамлакатимизда ва хорижда кўплаб сиёсат, жамоат арбоблари, журналистлар, экспертлар жамияти томонидан чуқур таҳлил қилинмоқда.

Бунда таҳлилчиларнинг бир масалада яқдиллиги яққол кўзга ташланади. Эътироф этилишича, Шавкат Мирзиёевнинг эркин ва демократик, очиқ, ошқора, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳитида ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси, бу — Ўзбекистон халқининг улкан ютуғи, демократиянинг инсон қадрини сарбаланд ўзбек заминидagi ўрқин тантанаси. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясида белгилаб қўйилган қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сайлов эркинлигини, сиёсий хилма-хиллик, халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган нормаларини устунлиги тамойилларини таъминлаш борасида мамлакатда сўнгги йилларда дадиллик ва фидойилик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

▶ Давоми 3-бетда

“Биз ўтган беш йил давомида, ғоят қийин ва мураккаб синовлар даврида катта тажриба орттирдик. Қанчалик оғир бўлмасин, маррани баланд олиб яшаш ва ишлашга ўргандик. Табиийки, маррани катта олган халқнинг қадамлари ҳам, эришадиган натижалари ҳам салмоқли бўлади”.

(Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан)

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

РОЗИ ХАЛҚНИНГ ОВОЗИ



2021 йил 6 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатининг янги биносида Президентликка сайланган Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. Президентимизнинг маросимда сўзлаган нутқи ва тандемда қалбидagi шукрона акс-садоларига ҳамоҳанг бўлиб кетди. Бу шукроналик давлатимиз раҳбарининг халқимизга чексиз меҳр-муҳаббатидан, ғамхўрлигидан диллардан тилларга кўчган ризолик изҳорлари бўлди.

▶ Давоми 4-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР БЎЛГАН МАМЛАКАТ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Аллоҳ таолога беҳисоб шукрки, тараққиётимизнинг янги даврида янги-янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирорта соҳа ва тармоқ, шаҳар ва туман, қишлоқ ва овул қолмади. Бугунги кунда давлатимиз инсон учун, халқ учун баралла очилди. Янги Ўзбекистонда ислохотларнинг барчаси халқимиз қадр-қимматини янада юксалтиришга, одамларни рози қилиш, ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлашга қаратилганини бугун ўз ҳаётимизда ҳис этиялмиз.

2021 йил 6 ноябрь куни янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари қаторида каминга ҳам иштирок этдим.

Ушбу тантанали маросим ва унда Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичини ўз ичига олган дастур тақдим этилишини миллионлаб мўмин-мусулмонларимиз катта қизиқиш билан кузатди. Аҳамиятлиси, ана шу теран мулоҳаза ила узоқни кўзлаб қилинган чиқишнинг ҳар бир жиҳати жуда ҳам кенг масалаларни ўз ичига қамраб олган эди.

Давлатимиз раҳбари келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида нутқ сўзлар экан, Янги Ўзбекистон стратегиясининг узвий ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан —

Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишини, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича янги тизим яратилди. Ҳаётимизда “Давлат — инсонлар учун” деган халқчил ғоя қарор топди ва бу тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тамойили ислохотлар моҳиятини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, амалий натижа, инсон манфаати, унинг қадр-қиммати бош мақсадга айланган.

Дарҳақиқат, Исломи дини инсон қадрини ниҳоятда юқори даражага кўтарди. Қадимдан турли жамиятларда инсон қадрини турли нарсалар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Ҳар бир жамият мафқурасидан, дунёқарашидан, инсон зотиға муносабатидан келиб чиқиб, уни турлича тақдирлаган.

Қайсидир жамиятда кучли инсон энг яши ва энг қадрли ҳисобланган бўлса, бошқа бир жамиятда ҳукмдор, амалдорлар қадр топган. Исломда эса куч, мансаб, кўрк ва молу дунё ҳаётининг моҳияти эмас, балки ҳаётнинг бир василаси, холос.

▶ Давоми 2-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Халқаро экспертлар: “Ўзбекистон Президентининг инаугурация маросимидаги дастуриламал нутқида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилиши республикани тараққиёт сари етаклайди”

Янги сайланган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи хорижий мамлакатлар жамоатчилиги, сиёсий ва эксперт доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.


Улар ўз фикр-мулоҳазаларида Ўзбекистон раҳбарининг иккинчи мuddатга қайта сайлангани ўзбек халқи давлат раҳбари амалга ошираётган ислохотлар йўлини

қўллаб-қувватлаётганидан, амалга оширилаётган янгиликларни самарасидан далолат беришини таъкидламоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

КОСМИК ТАДҚИҚОТЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Барқарор ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Бугун мамлакатимизда ривожланишнинг устувор вазифалари асосида амалга оширилаётган ислохотлар янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда Учинчи Ренессансни рўёбга чиқариш билан чамбарчас боғлиқ. Бунда ажодларимиз илмий мероси ҳамда дунё фан ютуқларини мукамал ўрганган ҳолда, ҳаётимизга янги ғоя ва замонавий тенденцияларни жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта.

▶ Давоми 5-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР БЎЛГАН МАМЛАКАТ



Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Бошланғичи 1-бетда

Биз яшаётган янги Ўзбекистонда ҳам, аввало, инсон ким бўлишидан қатъи назар, унинг ҳақ-ҳуқуқларига катта эътибор қилинмоқда.

Динимизда инсоннинг қадри-қиммати қалби поклиги, мақсади эзгулиги, ундаги имон-ихлос ва қилган яхши амал-

лари билан ўлчанади. Инсон қадрини ўлчашнинг ана шу илоҳий мезонлари ишга солингандагина одамлар ҳақиқий қадри топади. Зотан, Ислом дини нозил қилиншининг бош сабаби ҳам, бу муқаддас диннинг асл моҳияти ҳам инсон қадрини улуглашдир. Дунёдаги барча нарсалар инсонга беиннат хизмат қилиш учун яратилгандир.

Қуръони каримнинг бир неча оятда бу умуминсоний юксак қадрият алоҳида таъкидланган. Масалан, Исро сурасининг 70-оятда: "Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлиги денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уни Ҳиммат яратган кўп нарсалардан мулақо афзал қилиб қўйдик", дейилади.

Тафсири китобларида инсон қадри неъматлар тўғрисида мукаррам экани тўғрисида кўп мисоллар келтирилган. Баъзи муфассирлар маъруза оятни шарҳлаб, инсонга ато этилган неъматларни иккига тақсим қилган: **Биринчиси — жисмоний неъматлар.** Бунга мисол: сихат-саломатлик, яхши таом, чиройли либос, фаровон турмуш қабилар. Бу неъматлар барча бандаларга баробар берилиши мумкин. **Иккинчиси — руҳоний ёки**

маънавий неъматлар. Бунга мисол: имон, ислом, рушду ҳидоят, ахлоқ, тавфиқ каби ижобий сифатлардир. Бу неъматлар фақат Аллоҳ таоло инъоят қилган бандаларига насиб этади.

Аллоҳ таоло қуруқликда ҳам, денгизда ҳам инсон манфаати учун зарур бўлган барча нарсаларни муҳайё қилди ҳамда уни икки дунё саодатига етказадиган қонун-қоидаларни жорий қилиб қўйди. Бу ҳам Аллоҳ инсон зотини азизу мукаррам қилганидандир. Афзалликда унга яқин кела оладиган махлуқот оламда йўқдир. Барча махлуқотлар одам боласи учун беиннат хизматкор. Шубҳасиз, бу дунёда ҳам, охирада ҳам бу афзаллик ва неъматларнинг масъулияти ва жавобгарлиги бор.

Юқоридаги оят каримдан аён бўладики, инсон Аллоҳ таоло яратган барча мавжудотлар ичида энг азиз ва мукаррам хилқатдир. Аллоҳ таоло одамни Ўз қудрати билан яратиб, уни мукаррам қилди. Ўз руҳидан жон пуфлаб, улуглади. Бундай шарафга ҳеч бир махлуқот муяссар бўлган эмас. Шу боис ҳам инсон азизу мукаррамдир. Аллоҳ таоло яна одам боласини Ўзи берган ақл билан азиз қилди. Ақл билан инсон бошқа ҳамма махлуқотлардан устундир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг муборак ҳадиси

“Янги Ўзбекистонда ҳам барча ислоҳотлар мана шундай инсон дарду ташвишларини енгиллатиш, унинг фаровон ҳаёт кечирishiга қаратилган. Ичунини, бугун инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар янги поғонага қўтарилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари бошчилигида миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғояси илгари сурилмоқда.

шарифларида: “Мўмин киши Аллоҳ таоло наздида фаришталардан ҳам мукаррам ва афзалдир”, деган эканлар. Мана бу ҳадиснинг шарҳида шундай дейиладики, яъни “Фаришталарни Аллоҳ таоло фақат тоат-ибодат ва баъзи махсус вазифаларни адо этиш учунгина яратган. Шунинг учун уларда ақл бор-у, лекин нафсу шаҳват йўқ. Ҳайвонотда эса нафсу шаҳват бор, лекин ақл йўқ. Аммо одамзодда ақл ҳам бор, нафсу шаҳват ҳам бор. Ақл уни тўғри йўлга, савобли ишларга бошласа, нафсу шаҳват фақат нафсни қондириш, шаҳвоний ҳирсини қониқтиришга ва бунинг учун ҳар қандай ғуноҳу маъсият ишларидан қайтмасликка бошлайди.

Бинобарин, агар инсоннинг ақли нафсу шаҳватидан ғолиб келиб, унинг амрига мувофиқ ҳаракат қилса, демак, у фаришталардан ҳам улуг мақомда юрган бўлади. Аммо борди-ю, нафсу шаҳвати ақлдан ғолиб келиб, уларнинг амрига мувофиқ ҳаракат қилса, демак, у ҳайвонлардан ҳам паст мартабада қолган бўлади.

Малоикалар инсон Аллоҳ томонидан яратилгани учун унга ҳурмат бажо келтириб, таъзим саждасини адо қилди. Мана шу нарсани инсон олий мақомга қўтарди. Раббоний жон ато этиш инсонни инсон қилди. У энди Аллоҳнинг ер юзидagi ўринбосари, деган муборак нома мушарраф бўлди.

Инсон дегани шундай мукаррам зот экан, унинг сири Илоҳий руҳ билан яратилгани ва Инсон қиммати ҳам шунга боғлиқ экани маълум бўлди. Аллоҳ таоло инсонга осмонлар ва ер юзидagi барча нарсаларни бўйсундириб қўйди. Унга ботиний ва зоҳирий неъматларнинг ҳаммасини берди.

Демак, Ҳақ таоло инсонни азизу мукаррам қилиб яратган экан, уни камситиш, унга зиён етказиш, озор беришдан сақланиш, аксинча, унга кўмак бериш, мушуқлини осон қилиш, манфаат етказиш лозим. Зеро, Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида бундай марҳамат қиладилар: “Кимки, бир мўминдан дунё қийинчиликларидан бирини енгиллаштирса, Аллоҳ таоло ундan қиёмат оғирликларидан бирини енгил қиладилар. Кимки ҳаётда қийналган кишига осонликни раво кўрса, Аллоҳ таоло унга дунё ва охирада енгилликни ато қилур”.

Янги Ўзбекистонда ҳам барча ислоҳотлар мана шундай инсон дарду ташвишларини енгиллатиш, унинг фаровон ҳаёт кечирishiга қаратилган. Ичунини, бугун инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар янги поғонага қўтарилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари бошчилигида миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғояси илгари сурилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсондаги азизлик ва мукаррамлик шарафи кишига фахру ифтихор бағишлаши бораборида, халқ манфаати, дини ривож ва мамлакат ободлиги йўлида ўз ҳиссасини қўшишга ундайди.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР: “ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИНАУГУРАЦИЯ МАРОСИМИДАГИ ДАСТУРИЛАМАЛ НУТҚИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ РЕСПУБЛИКАНИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ”

Бошланғичи 1-бетда

Жан Брабандер, Бельгиянинг “JUCON” ҳуқуқий фирмаси асосчиси:



— Ўзбекистонни кўп йиллардан буён яхши билишимни, гўзал юртингиздаги ҳамкасбларим билан ишбилармонлик алоқаларимиз ривож топаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айниқса, мамлакат Президент Шавкат Мирзиёев

раҳнамолигида сўнгги беш йилда сезиларли ўзгарганини эътироф этиш менга қувонч бағишлайди. Иқтисодий эркинлаштиришдан тортиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишгача бўлган барча соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотлар ҳорижликлар эътиборидан четда қолгани йўқ. Бу жараён менга жуда яхши таниш, чунки ўтган йиллар мобайнида мамлакатингиз ютуқларини таққослаш ва кузатиш имкониятига эга бўлдим.

Мамлакат очиклик сиёсатини юрита бошлаганидан буён ҳорижий инвесторларнинг республикага қизиқиши кескин ўсди. Инфратузилма ва шахарсозлик улкан ўзгаришларга юз тушди.

Мамлакатнинг ташвиқоти йўлидаги ютуқлари ҳақида алоҳида дўхталги ўтмоқчиман. Минтақавий сиёсат бутунлай

янги динамикага эга бўлди. Ўзбекистоннинг минтақадаги барча давлатлар билан алоқалари яхшиланди, қўллаб-қувватлаш масалалари ҳал этилди.

Мамлакатнинг БМТ йўналишидаги фаоллиги ошди, хусусан, қўллаб-қувватлаш ва ўз вақтида илгари сурилган ташаббуслар буйича халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватловига эришилди.

Президент сайловида Ўзбекистонда яна бир бор халққаро кузатувчи сифатида бўлдим. Ислоҳотлар самарасида аҳолининг фуқаролик фаоллиги ошганини алоҳида таъкидлашни истайман. Фуқароларнинг сайлов участкаларидаги фаол иштироки барчамизни ҳайратга солди.

Ўзбекистон Президентининг инаугурация маросимидаги дастуриламал нутқида белги-ланган устувор вазифаларнинг бажарилиши республикани тараққиёт сари етаклайди.

Ҳамдий Абу ал-Анаён, Миср савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари, “Миср — Ўзбекистон” дўстлик жамияти аъзоси:

— Ўзбекистон Президенти сайловида ғалаба қозongan Шавкат Мирзиёевнинг расмий инаугурация маросимида бағишланган Олий Мажлис парламентларининг кўшма йиғилиши давомида айтилган фикрлар бардавом ривожланаётган дўст Ўзбекистон тараққиётида янги муҳим давр бошланганини намоян этиди.

Мен жорий йил 24 октябрь куни ўтказилган Президент сайловида кузатувчи сифатида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Наманган вилоятида 10 га яқин сайлов участкасида бўлдим. Ушбу сиёсий тадбир ошқора, шаффоф ва демократик таъминловларга мос равишда ташкил этилди. Сайлов Президентликка номзодлар ўртасидаги кескин кураш, очиклик ва рақобат шароитида ҳамда аҳолининг фаол иштирокида ўтди.

Мамлакатингизда турли соҳаларда тараққиётга эришилгани, шахар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгаргани ва ободонлаштирилгани, хусусан, қатор инфратузилма лойиҳалари ва йирик саноат корхоналари бунёд этилганининг ғувоҳи бўлдим. Масалан, бугун Наманган вилоятида тўқмиқчилик буйича 10 га яқин йирик корхона фаолият юритаётгани эътиборга лойиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда, аниқроғи, 2016 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келгандан сўнг муътабар дёрирингизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданият, таълим-тарбия ва диний соҳаларда мисли қўрилмаган туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик таъминланган. Буларнинг барчаси юрт тараққиёти ва ўзбек халқи фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.



Ўзбекистоннинг ташқи дунё давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқалари, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тез суръатларда ривожланмоқда. Бу мамлакатингиз етказиши бошчилигида тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларга ҳорижий сармояларни жалб қилишга амалда кенг қўлайликлар ва имтиёзлар яратилганининг самарасидир.

Мен Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган, Янги Ўзбекистонда амалга оширилган 7 та асосий йўналишни акс эттирувчи Тараққиёт стратегияси билан танишиб қичдим. Бу ҳужжат том маънода давлатингиз Президентини бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида муваффақиятли амалга оширилган бешта йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик бардавом бўлсин. Ўзбекистон ва Мисрни Аллоҳ ўз панохида асрасин.

Моҳд Ҳамди Абд Шукур, Малайзия университети ректори, Малайзия давлат университетлари ректорлари кўмитаси раиси:



— Ўзбекистон Президенти сайловида халққаро кузатувчи сифатида иштирок этиб, мамлакатингиз, унинг бой тарихий-маданий мероси, илмий, таълим-тарбия ва интеллектуал салоҳияти, аънана ва урф-одатлари, ўзбек халқининг ажойиб меҳмондўстлиги билан яна бир бор танишиш шарафига муяссар бўлдим.

Ўзбекистонга илк бор 2012 йилда сафар қилган эдим. Ушандан бери мамлакатда жуда ҳам кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилганини ишонч билан айта оламан. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳаётга таъбиқ этилаётган ислоҳотлар ижобий самаралар бермоқда ва ўзбек халқининг деярли барча жаҳалларига ўз тасъирини кўрсатмоқда.

Мамлакатда яқинда бўлиб ўтган сайлов ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлганини қайд этишни истардим. Сайлов натижалари республика ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга қўтарилганини яна бир бор тасдиқлади.

Шавкат Мирзиёевнинг олий давлат лавозимига қайта сайлангани Янги Ўзбекистон бунёд қилиш жараёни давом эттиришни, иқтисодий янада ислоҳ қилиш ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, барча соҳаларни янада чуқур эркинлаштириш давом этишини англатади.

Владимир Гальперин, Латвиядаги Ўзбекистон савдо уйи раҳбари:



— Аввало, Ўзбекистон халқини мамлакат тарихидаги муҳим кун — Президент Шавкат Мирзиёевнинг расмий инаугурация маросими ўтказилгани билан табриқлайман. Сўнгги йилларда давлат раҳбари раҳнамолигида жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳаларида изчил ўзгаришлар амалга оширилди. Давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлида тизимли ижобий ўзгаришлар бўлиб берилади.

Ислоҳотлар сиёсати ва инновациялар Латвия — Ўзбекистон сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлигини сезиларли даражада фаоллаштиришга бевосита таъсир кўрсатди.

Пандемиянинг барча қийинчиликларига қарамай, жорий йил самарали бўлди. Жумладан, ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди, Рига шаҳрида Ўзбекистон савдо уйи ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси товар-хонашаро биржасининг Европа Иттифоқи ҳудудидаги биринчи Рига ваколатхонаси очилди.

Бугун Янги Ўзбекистон бундан Марказий Осиё минтақасининг лоқомитивига айланаётганини ишонч билан айта оламан.

Инаугурация маросимида давлат раҳбари томонидан эълон қилинган энг муҳим устувор йўналишларнинг амалга оширилиши республикани тараққиётга етаклаши, иқтисодий модернизация қилиш, давлат бошқаруви ва жамиятни эркинлаштиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Шавкат Мирзиёевнинг ислоҳотчилик сиёсатининг бош мақсади, биринчи навбатда, ўзбек халқининг фаровонлигига қаратилган. Келажақда Ўзбекистон халқини фаровон ҳаёт кутаётганига ишончим комил.

“Дунё” АА

Сайид Али Асад Гилоний, Покистон элчиси:

— Ўзбекистон халқини мамлакат тарихидаги ушбу буюк кун — Президент Шавкат Мирзиёевнинг расмий инаугурация маросими билан табриқлайман. Биз бу тарихий кунни Ўзбекистон тараққиётида янги давр бошлангани сана сифатида баҳолаймиз.

Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг истиқболлари ҳақида ҳам жуда ижобий фикрдамиз. Покистон Бош вазир Имон Хоннинг жорий йил июль ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорлик ривожига муҳим ҳисса бўлди.

Шунингдек, йил давомида икки мамлакат юқори мартабаги делегацияларининг бир неча муҳим ташрифлари амалга оширилди. Узаро муносабатларимиз янада ривож топавериши ва мустақамланишига ишончимиз комил.



Кристино Тодерич, Тоттори университети профессори (Япония):

— Мен Ўзбекистон халқини амалдаги Президент қайта сайлангани билан чин юракдан табриқлайман. Бу кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва Янги Ўзбекистонни жадал қуриш демакдир.

Сўнгги 5 йил мобайнида республикада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ички ва ташқи ҳаётдаги

янгилаш жараёни халққаро ҳамжамият томонидан тан олинди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси қанчалик ўзгарганига қаранг! Оддий инсонларнинг ички ишонч руҳи мустақамланди, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ошди.

Мамлакатда илгари тасаввурга ҳам сиймайдиган ўзгаришлар кузатишмоқда. Бунини оммавий ахборот воситаларининг очиклиги ва фаоллиги ҳам кўриш мумкин. Хусусан, мен янгиликлар лентасидаги хабарлар билан танишишга улгурмаяман. Уларда нафақат миллий даражадаги воқеаларга, балки кичик қишлоқлар, хонадонлар, тадбиркорлар, ёшлар ҳаёти ҳақидаги янгиликлар ҳам катта ўрин берилмоқда. Хабарлардаги фикрларнинг ранг-баранглигига эътибор қилинг: янгилашни жараёнидан фархланиш туйғусидан тортиб ёшларнинг баъзи мавзулар буйича кескин танқидларига чина қилинмоқда. Ростини айтганда, бундай танқидлар конструктив мазмунда эканини таъкидлаш керак. Одамлар мавжуд муаммоларни уртага ташламоқда, уларни тезкорлик билан бартараф этиш йўллари буйича таклифлар бермоқда.

Ёш мутахассисларнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча эшиклар очик. Япония университетлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирилмоқда. Нафақат талабаларга дарс бериш, балки ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш, янги ахборот технологияларини жорий этиш, агробизнесни ривожлантириш, агробизнесни хилма-хилликни сақлаш, табиий ва маданий қадриятларни муҳофиза қилиш йўналишларида алоқалар мустақамланмоқда.

Мамлакат саноатининг муҳим тармоқларида раҳбарлик лавозимларида ишлаётган ўз ишига, халқига фидойи ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Йигит-қизлар учун янги имкониятлар ва истиқболлар тақдим қилинмоқда, уларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва умидларини рўёбга чиқариши учун маблағлар ажратилмоқда.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, эътиборга молик. Университетлар ва талабалар сони ортмоқда. Халқаро тажрибага мувофиқ университетларнинг таълим дастурларига мутлақо янгича ёндашувлар жорий этилмоқда. Олий таълим муассасалари биринчи марта халқаро рейтингларда қайд этилди.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАР ВА ХАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИГА БИНОАН ЎТГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ТАНТАНАСИ



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Бошланиши 1-бетда

МАҚСАД ЭЗГУ ВА АНИҚ БЎЛСА

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан халқ билан кенгашиб танланган ва мамлакатни ривожлантиришнинг изчил амалга оширилаётган йўли нақадар тўғри эканини сайлов натижалари яна бир бор тасдиқлади.

Истикболдаги мақсад ҳам аниқ. Бу — юксак самарали демократик ислохотлар йўлини изчил давом эттириш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси эса бу йўлда миллий ривожланишнинг янги босқичини бошлаб беради.

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 ноябрь кuni лавозимга киришиш тантанали маросимдаги нутқидан бу борадаги эзгу вазифини аниқ белгилаб берди: “Бутун куч ва салоҳиятимизни ягона улғу мақсадимиз — янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратамиз”.

Сиёсатчи халқпарвар, миллатпарвар, мақсади эзгу ва аниқ бўлса, самаралари ҳам шунча улкан, эл-юртнинг унга ишончи, меҳри, садоқати ва ҳамкорликдаги шижоати ҳам буюк бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий нормалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан даврийлик принципи асосида сайлангани бу азалий ҳақиқатни амалда яна бир бор тасдиқлади ва буни бутун дунё кенг эътироф этди.

Сайловда кўп миллатли Ўзбекистон халқи фаол қатнашиб, ўзининг эркин хоҳиш-иродасини, юксак ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини яққол намоён этди.

Шу ўринда Жаҳон қонун устуворлиги бўйича лойиҳаси (World Justice Project) томонидан эълон қилинган Ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2021 йилги нашрида Ўзбекистон 14 поғона юқориларини кайд этиш жоиз.

Жорий йилги нашрда Ўзбекистон учун берилган баҳолар 4,1 фоиз кўтарилди, бу борада энг яхши натижа кўрсатган учта давлатдан бирига айланди.

МУҲИМ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

Сайлов давлатчиликни ривожлантириш, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш борасидаги энг муҳим ва гоят масъулиятли жараёндр. Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамият ва давлатни ривожлантиришнинг асосий принциплари мустахкамлаб қўйилиши асосида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилгани сабабларидан бири ҳам шунда.

Конституциядан сайлов тизимига

66

Миллий сайлов тизимини ривожлантириш борасидаги кенг қўламли, тизимли ишлар, тараққий этган сайлов қонунчилиги ва илғор амалиёт, халқимизнинг сайловлардаги фаол иштироки муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига тўла мувофиқ равишда ўтказилди, дейиш учун мустаҳкам асосдир. Олдимизда эса янги мақсад ва ёруғ манзиллар турибди. Бу йўлда бизга Янги Ўзбекистон стратегияси йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди.

доир алоҳида боб жой олди. Ўзбекистонда сайлов ўтказилишининг ҳуқуқий асослари бевосита Конституциямизда белгилаб қўйилди. Бу мамлакатимизда халқ ҳокимияти ифодасининг олий шакли сифатидаги сайловларга қанчалик катта аҳамият берилаётганини кўрсатиб турибди.

Конституциянинг 117-моддасига ўзгартиш киритилиб, суд томонидан мумаллага лаёқатсиз, деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этгани учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ушбу янгилик фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиши учун шарт-шароит яратишга оид нормалар ҳам эътиборга лойиқдир.

мамлакатлар илғор тажрибасидан келиб чиқиб муттасил такомиллаштириб келинмоқда.

24 октябрда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов жараёнида қарийб мингга яқин халқаро ва хорижий кузатувчи қатнашди.

Сайлов натижалари, халқаро ва маҳаллий кузатувчилар фикрлари ва хулосалари шунини кўрсатмоқдаки, Марказий сайлов комиссияси тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур сиёсий жараёни очиқ, ошқора ва шаффоф, умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида ҳамда юқори даражада ташкил эта олди.

Буни халқаро ташкилотларнинг миссиялари ва хорижий давлатларнинг кузатувчилари ҳам алоҳида таъкидлади. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича миссияси куза-

сайловга тайёргарлик жараёнларида ҳам кузатиш мумкин. Яъни Ўзбекистон сайлов амалиётида қонунчиликка мос равишда сайловни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу сайлов участкаларининг сайлов кунига қадар бир ой аввал шай ҳолатга келиши, уларнинг моддий-техник таъминоти, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг билими, малакаси ва кўникмасини шакллантириш масалалари, сайлов кунига қадар амалга оширадиган вазибаларнинг аниқ белгилангани, сайловчиларни барча жараёнлардан ўз вақтида хабардор қилиш масалалари, бунинг учун зарур чора-тадбирлар кўрилиши сайлов жараёнларини кузатиш учун юртимизга келган халқаро кузатувчиларда ижобий фикрлар шаклланишига хизмат қилди.

Президент сайловининг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари, Сайлов кодекси, сайлов қонунчилигига жорий йилнинг 8 февраль ва 31 май кунлари киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга ҳамда сайлов ташкилотчиларига етказиш борасида кенг қўламли ва изчил ишлар амалга оширилгани ҳам сайловни юқори савияда ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этди.

ЕХҲТ ДИИХБ миссияси оралиқ ҳисоботида мамлакатимиз сайлов тизимидаги яна қуйидаги ижобий ўзгаришларга алоҳида эътиборини қаратди.

Биринчидан, тўққизинчи сайловолди ташвиқоти ўтказиш кафолатлари кучайтирилган. Масалан, илгари сиёсий партиялар электорат иштирокида оммавий тадбирлар ўтказишни маҳаллий ҳокимият органлари билан 30 кун олдин келишиб олиши керак бўлган бўлса, энди бундай тадбирларни ўт-

66

24 октябрда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида қарийб мингга яқин халқаро ва хорижий кузатувчи қатнашди. Сайлов натижалари, халқаро ва маҳаллий кузатувчилар фикрлари ва хулосалари шунини кўрсатмоқдаки, Марказий сайлов комиссияси тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур сиёсий жараёни очиқ, ошқора ва шаффоф, умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида ҳамда юқори даражада ташкил эта олди.



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов тизимининг қарор топиши, ривожланиш босқичлари тўғрисида фикр юритганда, таъкидлаш лозимки, у нафақат миллий давлатчиликнинг муҳим таркибий қисми, ҳокимиятнинг қонунийлигини таъминлаш воситаси бўлибгина қолмай, балки жамиятни изчиллик билан демократик асосда модернизациялашнинг гоят муҳим асосига айланди.

Ўзбекистонда сайлов сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик сайлов ўтказиш том маънода муҳим ижтимоий-сиёсий анъанага айланди.

ТИЗИМЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Сўнги йилларда сайловга оид миллий қонунчилик тизимли равишда такомиллаштириб борилади. Конституциянинг “Сайлов тизими” деб номланган 117-моддасига жиддий ўзгаришлар киритилди. Хусусан, 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Сайлов кодексига амалда бўлган бешта қонун кодификациялашган ҳужжат сифатида жамланди. Бугунги кунга келиб Конституцияда мустахкамлаб қўйилган нормалардан ташқари сайловга оид яна ўнга яқин қонун ҳужжати қабул қилинди. Шуниси эътиборлики, сайлов қонунчилиги сайлов амалиётининг ҳамда хорижий

тувлари оралиқ ҳисоботида бу борада амалга оширилган ишларга ижобий баҳо берилди. Миссия жорий йилнинг 15 сентябрдан 5 октябргача бўлган даврдаги кузатуви натижалари бўйича оралиқ ҳисоботида бу ҳақда маълум қилди.

Жумладан, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик учун очкилиги алоҳида қайд этилди. Сайловга тайёргарлик ва сайлов кампаниясини ўтказиш, сайловчиларни хабардор қилиш билан боғлиқ барча жараёнлар қонунчилигида ўрнатилган муддатда амалга оширилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг йиғилишлари онлайн режимида ёритиб боришмоқда, комиссиянинг қарорлари матбуотда чоп этилмоқда, дейилади ҳисоботида.

Сайлов натижасида халқимизнинг сўнги беш йилда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларга муносабати намоён бўлди. Фуқаролар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги демократик ислохотларга юксак баҳо берди, ушбу стратегик дастур муаллифи ва ташаббускори Шавкат Мирзиёев сиёсатини қўллаб-қувватлашни амалда тасдиқлади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши баробарида амалиёт ҳам уйғун ҳолда ривожланиб бормоқда. Буни

казишдан камида 3 кун олдин давлат тузилмаларига хабар бериши кифоя қилади.

Иккинчидан, сайловолди ташвиқоти пайтида давлат ташкилотлари ходимларининг ҳар қандай сиёсий партия, номзод фойдасига ёки унга қарши ўз лавозимидан фойдаланишига нисбатан қатъий таъқиқ жорий этилган.

Учинчидан, сайловда иштирок этиш учун молиявий маблағлардан фойдаланишнинг шаффофлиги учун шароит яратилган. Энди партиялар сайлов кунига МСКга оралиқ ҳисоботни ва уларга ажратилган давлат маблағлари тўғрисида яқиний сайлов ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Тўртинчидан, сайловчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари кучайтирилган. Янги қонунчиликка кўра, фуқаролар сайлов комиссиялари қарори юзасидан ўз шикоятлари билан судга мурожаат қилиши мумкин. Илгари фуқаролар фақат юқори сайлов комиссияларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу низоларни кўриб чиқиш жараёнини кечиктирган.

Бешинчидан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кенгайтирилган. Энди Ўзбекистоннинг чет элданги фуқаролари олдиндан консуллик рўйхатидан ўтмасдан овоз бериши мумкин.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар кенг



66

Конституциянинг 117-моддасига ўзгартиш киритилиб, суд томонидан мумаллага лаёқатсиз, деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этгани учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ушбу янгилик фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиши учун шарт-шароит яратишга оид нормалар ҳам эътиборга лойиқдир.

ва ҳолис ёритилиши таъминланди. Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш ва унга тайёргарлик кўришда тўпланган бой тажрибани, айрим халқаро кузатувчилар фикрича, келгусида МДҲ мамлакатлари амалиётига ҳам жорий қилса арзийди.

Сайлов амалиётига илғор хорижий мамлакатлар қаторида ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши сайлов нуфузини оширишга хизмат қилганини таъкидлаш жоиз. Бундан олдинги ўтказилган сайловларда синов тарихида қўлланган техник ечимлар Президент сайловида тўлиқ амалиётда қўлланилди.

Сайловчилар ягона электрон рўйхатининг асосий мақсади — сайловда иштирок этиш учун ҳар бир фуқаронинг бир овозга эга бўлишида ифодаланган, тенг сайлов ҳуқуқи ҳисобланган ва очкилини таъминлайдиган энг муҳим принципни амалга ошириш.

Шунингдек, барча округ ва участка сайлов комиссияларини Марказий сайлов комиссияси билан узвий боғлаган ахборот алмасув тизими тўлиқ ишга туширилгани таҳсинга лойиқ. Мамлакатимиз бўйлаб 20 минг километр узунликдаги оптик толали алоқа кабеллари тортилган шунинг билан сайлов жараёнидаги маълумотларнинг тезлиги кўпайди.

Дунё мамлакатларининг бор-йўғи 40 фоизда сайлов жараёнларига ахборот технологиялари жорий этилган.

Ўзбекистоннинг ушбу рўйхатга киргани ҳаммамизга фахр бахш этади. Энг замонавий техник амалиётдан яна бири 207 та сайлов участкасига 414 та видеокузатув камераси ўрнатилгани ва тўғридан-тўғри бутун дунёга интернет тармоғи орқали сайлов жараёни трансляция қилинганidir. Келажакда бу ютуқларни ривожлантириш ва сайлов жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ татбиқ этиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиши табиий.

ДАХЛДОРЛИК ВА ФАОЛЛИК

Сайлов қонунчилигида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишнинг Конституцияда белгиланган асосий — тенглик, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқлари асосида яширин овоз бериш принциплари, шунингдек, уларни амалга ошириш воситалари, механизмлари мустахкамлаб қўйилган. Кўрсатиб ўтилган принциплар умумэтироф этилган халқаро ҳужжатлар — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, БМТнинг Сайловларни халқаро кузатиш принциплари декларацияси каби унвирсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Президент сайловида мuddатидан олдин овоз бериш институти ҳам самарали қўлланилди. Сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи учун мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқи таъминланди. 421 минг 176 нафар сайловчи бундай имкониятдан фойдаланди.

Сайлов кодекси сайлов ҳуқуқи субъектлари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилишнинг аниқ тартибини белгилайди.

Сайлов жараёнларини ёритиш сайловни очиқ ва шаффоф ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. Президент сайловининг барча жараёнлари оммавий ахборот воситаларида ва интернет орқали кенг ёритиб борилинган эса аҳоли барча қатламларининг хабардорлик даражасини оширишга, сайловга эътиборини кучайтиришга хизмат қилди.

ЕХҲТ бюросининг миссияси томонидан аҳоли орасида ахборот тарқатишнинг турли шакллари ва усуллари, жумладан, ижтимоий тармоқларда видеороликлар ва график материаллардан фойдаланган ҳолда кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши ҳам алоҳида таъкидлангани бунинг далилидир.

Сайловни катта қизиқчи билан кузатиб борган халқаро ташкилотларнинг миссиялари, хорижий давлатларнинг кузатувчилари, чет эллик журналистлар мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва амалиётида қисқа мuddат ичида амалга оширилган муҳим ўзгаришларни алоҳида эътироф этди. Масалан, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси делегацияси раҳбари Даниэлла де Ридер сўзларига кўра, “Сўнги йилларда Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида сезиларли ютуқларга эришилган, сайлов қонунчилигида қатор ислохотлар ДИИХБнинг тавсиялари асосида амалга оширилган. Танланган ислохотлар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланганининг яққол исботи сайловда 80 фоиздан ортиқ сайловчи қатнашганidir”.

ЕХҲТ махсус координатори Рейнхольд Лопатка: “Демократия узоқ давом этадиган жараён ва Ўзбекистон тўғри йўлдан кетмоқда. Биз Ўзбекистонни бу йўлда қўллаб-қувватлаймиз”, дейди.

Янги Ўзбекистонда сиёсий жараёнларнинг очкилик, ошқоралик ва қонуний асосда ташкил этилиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Миллий сайлов тизимини ривожлантириш борасидаги кенг қўламли, тизимли ишлар, тараққий этган сайлов қонунчилиги ва илғор амалиёт, халқимизнинг сайловлардаги фаол иштироки муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига тўла мувофиқ равишда ўтказилди, дейиш учун мустаҳкам асосдир.

Олдимизда эса янги мақсад ва ёруғ манзиллар турибди. Бу йўлда бизга Янги Ўзбекистон стратегияси йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

РОЗИ ХАЛҚНИНГ ОВОЗИ

Бошланиши 1-бетда

Панжикул РЎЗИҚУЛОВ,
Қизилтепа туманидаги
"Golden lake fish"
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари:

— Корхонамиз Навоий вилоятидаги Тўдакўл сув ҳавзасида балиқчилик билан шуғулланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда балиқчилик тармоғи қайта туғилди. Биз 2019 йилда венгриялик мутахассислар билан ҳамкорликни ривожлантирдик. Ўзбекистонга венгер карпининг она балиқларини олиб келиб, шу кунгача 50 миллион дона зотдор балиқ човоқлари инкубация цехида кўпайтирилди. Наманган, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари фермер хўжалиқларига тарқатдик.

Яна бир иш. Хитой интенсив технологияси асосида 2020 йилда йиллик қуввати 200 тонна бўлган балиқ филиси цехини ишга туширдик. Ўзбекистонда илк бор яхта, катер, қайиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ишни илмий асосда қўриб, Бу-дапешт генетика институтини профессорларини жалб қилдик. Хорижлик ҳамкорлар билан йилга 6 та яхта, 12 та катер ва балиқ овлайдиган 100 дона қайиқ тайёрлаш имконига эга заводни яқинда ишга тушираемиз.

Бугунги кунда вази 13 тонна, узунлиги 14 метр, кенлиги 5 метр, барча қўлайликларга эга бўлган балиқ овловчи 2 та катер ишлаб чиқарилди. Ҳозир бу катерлар "Тўдакўл" сув ҳавзасида сузиб юрилди.

Россиянинг Уфа шаҳридан уч минг дона "пекин" гибрид ўрдакларини олиб келиб боқяпмиз. Ўрдакларимизнинг вази уч-тўрт килограмм. Бир килосини 35 минг сўмдан сотишни режалаштирганмиз. Ҳозир 2000 дона ўрдак жўжасини чиқардик.

Ким ўйлабди, Ўзбекистон Европага балиқ сотади, деб? Булар экан-ку... Чунки кейинги 5 йилда Ўзбекистон балиқ экспортчиси айланди. Бунга мана биз мисол. Венгрияга 50 тонна, Туркияга 100 тонна балиқ ва балиқ маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномамиз бор. Бунинг учун Европа мамлакатларига экспорт қилишга рўхсат берувчи ISO:22000 ва ISO:9000 ҳамда HASIB халқаро сертификатларига эга бўлдик.

Давлатимиз яратиб берган шароитлар натижаси одамни қувонтиради. 2018 йилда Тўдакўл сув ҳавзасида 4500 тонна балиқ етиштирилди. Бугунги кунда 6000 тоннага чиқди, 2023 йилга бориб, 10 000 тоннадан ошираемиз.

Яна бир қизиқ, қувонarli воқеани айтмасам бўлмайди. Яқинда россиялик ҳамкорларимиз "Бизни-килар фақат океандан тайёр балиқ тутишга берилиб кетиб, балиқ боқишни унутиб қўйди. Бизга балиқ етиштиришни ўргатинлар", деб мурожаат қилди. Рози бўлдик. Шартнома туздик.

Юқорида айтганларимни ўзимнинг муваффақиятим, демайман. Булар Президентимиз томонидан мен каби тадбиркорларга яратиб берилган шароитлар самарасидир.

Малика РАЖАБОВА,
Қорақўл туманидаги "Полвонлар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Биз, қорақўлликлар, оплотликлар 2020 йил 27 апрель тунини қўрқинчи туш каби эслаймиз. Рамазон ойи, айни ифтор пайти эди. Одати шамол бирданга бўронга айланди. Электр ҳам, телефонлар ҳам ўчди. Ҳамма ёқни бўронли зулмат қоплади.

Уйда утиролмадим. Эшикни очиб, кўчага чиқмоқчи бўлдим. Ташқарида кўзни очиб бўлмайди, нима бўлса, ҳаммаси ҳавода учиб юрибди. Қўшимизнинг профнастил томи кўчиб, бошим устидан учиб ўтди. Авёллар, болалар қичқиради. Ухламай тонг оттирдик. Эрталаб турсак, ҳамма жой ағдар-тўнтар, бирорта уйнинг томи йўқ, дарахтлар йиқилиб йўллари тўсган. Дунё билан алоқа узилган.

Тонг отиб, қуёш чиқди. Зулмат кетганидан қувондик. Биз учун 28 апрель куни қуёш икки марта чиқди. Ҳолимиздан хабар олиш учун Президентимиз келганини аштитдик. Ана шунда биздаги қўрқув, ваҳима тарқайди. Чунки Президентимиз билан Олот,

Қорақўлга нажот келди. Халқ дардини ўз кўзи билан қўриб, ўз оғзидан эшитиш учун воқеа жойида ҳозир бўлганиди. Келиб, "Азизларим. Кўнгилни чўктирманг. Халқимизга етказинг, 10 кунда барча талафотлар бартараф қилинади. Олот, Қорақўл аввалгидан ҳам чиройли бўлади", дея рўҳимизни кўтарди. Ишонасизми, шу куннинг ўзида, кечга бориб, қурилиш материаллари ортилган машиналар карвони Олот, Қорақўлга кела бошлади.

Хонадонлар жадал ўрганиб чиқилиб, ҳамма керакли жиҳозлар етказиб берилди. Халқимиз кўнглидаги қўрқув, ваҳима кетди. Яна қайноқ ҳаёт бошлади. Мен бир ҳижматни кўрдим. Кекса онахон-отахонлар шўкронали бўлар экан. Ҳозир ҳам тўй-маърака, йиғинларда нуроний отахон, онахонлар Президентимизни дуо қилади. Халқ билан Юртбошимизнинг соғ-омонлигини тилаб, омин, деймиз.

Хуршид ЛАТИПОВ,
ёш технолог:

— Биз кейинги йилларда "Ўзбекистон тарихида илк бор", деган гапга ўрганиб қолдик. Шуни ўйласам, беихтиёр ўзим ишлаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг кейинги 5 йилдаги ҳаёти кўз олдимдан ўтади. Нефть ва газ мамлакат ҳаёти учун қандай муҳимлигини яхши биласиз. Ўтган 5 йилда бизнинг соҳа ҳам давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлди.

2018 йил февралда Президентимизнинг виллоятимизга ташрифидан шарафати билан завод балансидаги 700 га яқин хизмат уй-жойлари — коттежлар, ётоқхоналар завод ишчи-ҳодимларига хусусийлаштириб берилди. Мен ҳам шу замонавий уйлариным бирида оилам билан хотиржам, бахтли яшайман.

2019 йилнинг мартда Президентимиз томонидан заводимиз олдида жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган, экспортбоп, юқори қийматли маҳсу-

лотлар ишлаб чиқариш вазибаси қўйилди. Орадан роппа-роса бир йил ўтиб, Ўзбекистон тарихида илк бор Евро-5 стандартларига жавоб берадиган дизель ёқилғиси ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Пандемия биз учун ҳам катта синов бўлди. 2019 йилда Франциянинг Аксенс компаниясидан катализатор сотиб олган эдик. Чегаралар пандемия сабаб вақтинча ёпилиб, француз технологлар Ўзбекистонга кела олмади. Устига-устак, улар: "Сизлар урини ўтирманлар. Ускуналарга тегманлар. Бузиб қўясизлар", дейишди. Мана шу гап бизнинг ориятимизга тегди. Тўғриси, алам қилди. Ана шунда Президентимизнинг "Биз пандемия широмтида яшашга ва ишлашга ўрганишимиз шарт!" деган сўзлари мадад бўлди. Биз 15 сутка цехдан чиқмадик. Уйга кетмадик. Катализаторни реактор қирилмасига ўзимиз ўрнатдик. Бу жуда қийин иш эди. Лекин

шунга қарамасдан, буни ўзимиз "Ўзбекистон тарихида илк бор" удалабамиз. Қувондик. Чунки биз эришган натижа француз ҳамкасбларимиз ваъда берганидан 3 қарра сифатли бўлди. Президентимиз белгилаб берган марра ортиги билан таъминланди.

Яқинда Ўзбекистон тарихида илк бор АИ-98 русумли автомобиль ёқилғиси ишлаб чиқарилди. Кейинги 5 йил баракали келди. Заводимиз ишга туширилганига 24 йил бўлди. Шунинг 20 йилда ишлаб чиқариладиган нефть маҳсулотлари тури 2 тага оширилди, холос. Сўнгги 5 йилда эса 5 тага ошди. Бугун заводда 20 русумли нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Биз ютуқларга қандай эришдик? Бу саволга жавоб битта: биз бу ютуқларга Президентимизнинг саноатни ривожлантириш, миллий муҳандис кадрларни тайёрлашга қаратилган оқилона сиёсати тўғрисида эришдик.

Ҳанифа ИСМОИЛОВА,
Янгийўл шаҳар Олмас маҳалласида яшовчи фуқаро, 2020 йил апрель ойида
"Меҳр-2" операцияси билан Ватанга қайтган:

— Турмуш ўртоғим 2011 йил Россияга ишга кетиб, бизни ҳам чақириб олди. Орадан 5-6 ой ўтиб, хўжалиқимизнинг гаплари айни бўшлади. Ёмон одамлар у кишини алдаб, бизни Россиядан бошқа давлатга олиб чиқиб кетди. Охири биз ёмонларнинг қўлига тушганимизни билдик.

Мен уларни кўзим билан кўриб, ҳамма гаплар сафсата эканлигини, биз борса келмас жойга тушганимизни англадим. Чунки улар бизга биринчи кўниёқ "Бу ерга кириш айтиб бора, чиқиб эшиги йўқ", деб аниқ айтди. Борғач, тилла узук, пулларимизни ҳам олиб қўйишди. Кейин сўрасак, ишлатиб юборганимиз, дейишди.

Зарина РАЖАБОВА,
Ховос туманидаги 14-мактабнинг тасвирий
санъат ўқитувачиси:

— Мен Сирдарё вилоятининг Тожикистон билан чегара ҳудуди бўлган Ховосда яшайман. 1996 йилда шу ерда тутилганман. Бугун Президентимизнинг узоқни кўзлаган, оқилона сиёсий иродаси, саяё-ҳаракати тўғрисида давлат чегараларидаги назорат ўтказиш пунктлари ўз фаолиятини қайтадан бошлади. Бу эса дийдор соғиничи ташна дилларни бир-бирига яқинлаштирди. Аслида, икки миллат ўзбек-тожик халқлари "Бир ғазалнинг икки байти", "Икки тилда сўзлашувчи бир халқ", "эт билан тирноқ" бўлиб кетган.

Мен бир пайтлар Тожикистондаги қариндошларимнинг фақатгина исмини билардим. Президентимиз ташаббуси билан ўзбек-тожик чегараларидаги "деворлар олинди". Мен қариндошларим билан юзма-юз қўришиш бахтига муассас бўлдим. Улар билан дийдорлашиб, тўй-ҳашамларда биргамиз. Бунга Юртбошимизнинг сиёсати имконият яратиб берди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам барча миллат ва элат вакиллари иштирокида "Бағрикенг Ўзбекистон — умумий

уйимиз" шиори остида Ёшлар фестивали ўтказилди. Мен ҳам ушбу фестивалда шахсий кўргазмам билан иштирок этдим.

Сўнгги беш йил мен учун чинакамга бахтлар йил бўлди. Олий маълумотли педагог макомига эга бўлдим, "Маҳоратли педагог" кўрик-танловиде биринчи ўринни олдим.

Президентимизнинг алоҳида таъкидлаб айтган "бизнинг давлат сиёсатимизда бундан буюн ҳам барча миллат ва элат вакиллари билан миллий ўзгилгини, она тили ва маданиятини, дини, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилади", деган гапларини чин юракдан қўлаб-қувватлайман.

Камол МУСТАЕВ,
"Ипак йўли" туризм халқаро университети
Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда ижтимоий фанлар
кафедраси доценти:

— 1990 йилдан 2014 йилгача Самарқанд давлат университетиде дарс бердим. Моддий етишмовчилик тўғрисида чет элларга чиқиб, омадимни изладим. Германия, Венгрия, Англия, Покистон, Туркия, АҚШ ва Канада университетларида маърузалар қилдим. Сўнгги 6 йилда АҚШ ва Канадада яшадим. Президентимизнинг хориждаги ўзбекистонлик олим ва зиёлиларга келинлар, мамлакатимиздаги ислохотларда иштирок этинлар, деган мурожаатини эшитиб, Ватанга қайтдим.

Мен сиёсатчи ҳам, иқтисодчи ҳам эмасман. Бир оддий одам сифатида 6 йилдан кейин қайтиб, янги Ўзбекистонда ўз кўзим билан кўрган, ҳис этган нарсаларни айтмасам бўлмайди.

Биринчи хайратим. Мен ўзи 25 йилдан бери чегарадан ўтиб-қайтиб юрман. Лекин 2020 йилда келишимда аэропортда биринчи мартаба "Ватанингизга хуш келибсиз!" дея табассум билан кутиб олишди. Ростини, бундан ҳаяжонга тушиб, лол қолдим. Чунки мен йиллар давомиде фақат хўмрайиб қараб турадиган кўзларни кўришга ўрганиб қолган эканман.

Иккинчи хайратим. Ҳатто дарахтларни ҳам қуёш нуридан сақлаш учун устига соябонлар қилинган, дала маданияти мени хайратга солди.

Учинчи хайратим. Самарқандда "Ипак йўли" туризм халқаро университети

Холида АЛИМОВА,
Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар
тиббийет маркази бош шифокори:

— "Жон қаерда бўлади", деб сўраса, бир донишманд "Оғриётган жойингда", деган экан. Одамнинг ҳеч қаерини оғригулик қилмасин. Оғриси, кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Уни даволаш керак. Даволаш учун эса касалхоналарда етарли шарт-шароит керак. Биз илгари

тетиде иш бошладим. Канададан олиб келган ноутбугим университет тизимига тўғри келмади. Университет маъсуллари 5 дақиқа ичиде менга янги ноутбук берди. Ривожланган давлатларда бунга энг камида бир кун вақт кетади.

Тўртинчи хайратим. 2014 йилда Ўзбекистонда доцентнинг ойлиги 200-250 АҚШ долларини атрофида эди. Туркияда профессорлар ўртача 1500 АҚШ долларидан кўпроқ маош оларди. Бугун мен билан ишлаётган университет домлалари Туркия домлаларидан кам маош олмайд.

Бешинчи хайратим. Илгари қоғозбозлик билан шуғулланишга мажбур эдим. Аммо қоғоз берилмасди. Бугун эса на қоғоз муаммоси бор, на қоғозбозлик муаммоси бор.

Олтинчи хайратим. Ҳурматли Президентимиз мени "Дўстлик" ордени билан тақдирлади. Бу мен учун ҳеч қутулган эътибор ва ҳурмат изҳори эди. Бундай юксак нишон ва эътиборни мен ўзимнинг шахсий ютуғим, демайман. Бу менга билдирилган ишонч, умид, маъсулият деб ўйлайман.

Рости гап, Ватанга қайтаётганимда "Бир йил ишлаб кўрай-чи, аввалгидек бўлса, қайтаман", деган ўй бор эди. Буни ўзим ишлаган хориж университетлари раҳбариятига ҳам айтганим. Бир йил ўтди. Яқинда мен уларга кўнгироқ қилиб, "Мени кўтманлар", дедим.

лик профессорлар операция қилишини тушимизда ҳам кўролмас эдик. Операцияни фақат хорижда қилиш мумкин эди.

Бугун-чи? Бугун ривожланган давлатлардан келган пешқадам врачлар биз билан ёнма-ён ишлаяпти. Мана,



ана шундан қийналардик. Дард бор, дармон топилмас эди.

Жиззахда ҳам малакали врачлар, тиббий асбоб-ускуналар, диагностика марказлар, дори-дармонлар етишмасди. Ҳаттоки иссиқлик таъминоти тизимиде узиллишлар табиий ҳол эди. Ушунда беморларни, аиникса, ёш болаларни операция қилиш жуда қийин кечарди. Совуқдан қўлларимиз қотиб қоларди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Миллий дастурлар асосида Жиззахнинг ўзида учта — кардиология, эндокринология, дерматоневрология марказлари янгитдан қурилди. Бўлар экан-ку. Бу ислохот фақат шаҳарларда эмас. Энг чекка қишлоқларга етиб борди. Узоқ қишлоқларга бориб ишлаётган тиббийет ходимларига рағбат учун 30 миллион сўм ва уй-жойлар берилаётир. Бу ҳеч бир замонда бўлмаган.

Яна бир яхшиликни айтиш керак. Шу йил Жиззах давлат педагогика институтиде тиббийет факультети очилгани биз учун яна бир хурсандчилик бўлди. Қийинроқ операциялар ё Тошкентда қилинар, имконияти борлар чет элга борарди. Жиззахда беморларни чет эл-

Ҳа. Бугун мамлакатимиз тарихининг янги зарварига — Янги Ўзбекистон босқичи бошланди. Президент сайловида донишманд, зукко халқимиз ўз қатъий қарорини айтди. Уз орзуларини рўёбга чиқарувчи Йўлбошчисини танлаб олди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида белгиланган ишлар халқимизнинг келажакка ишончини ошириб юборди. Завқ, илҳом берди. Одамларнинг чехрасидаги мамнуният халқимизнинг розилигидан эмасми?

Бизни улуг марралар кутаяпти. Бу марраларнинг меvasи ҳар бир оиланинг ҳаётини бежайди. Тинч Ватанда хотиржам, бахтли ва албатта, фаровон яшайми.

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
раҳбарининг биринчи ўринбосари,
педагогика фанлари доктори, профессор

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

КОСМИК ТАДҚИҚОТЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омили

Шухрат ҚОДИРОВ, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги бош директори

Бошланиши 1-бетда

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларини аниқ маълумотлар, рақамлар ва илмий тадқиқотлар асосида ривожлантиришда космик тадқиқотлар ва технологияларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.



Космик тадқиқотлар ва технологияларнинг аҳамияти нимада?

Космик тадқиқотлар — фан ва техниканинг истиқболли йўналишларидан бўлиб, инсониятнинг бугунги глобал, демографик, энергетик, экологик муаммоларини ҳал қилиш, ернинг табиий ресурсларини аниқлаш ва экологик ҳолатини назорат қилиш каби бир қатор муҳим жараёнларда кенг қўлланилмоқда. Космик тадқиқотлар ва технологиялар орқали энг глобал муаммолардан бўлган озик-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, табиий офатларнинг олдини олиш, ижтимоий ривожланишга доир тахлиллар ва статистик маълумотларга эга бўлаёмиз. Бу маълумотлар қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги, экология, геология, кадастр, шаҳарсозлик, телекоммуникация, транспорт инфратузилмаси, фавқулодда вазиятлар ҳамда миллий хавфсизлик ва мудофаа соҳаларида муҳим аҳамият касб этади.

Космик фаолиятни ривожлантириш сари қўйилган дадил қадам

Янги Ўзбекистонни барпо этишда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётда реал дарамад келтира оладиган тармоқлар — қишлоқ,

сув ва ўрмон хўжалиги, экология, геология, кадастр, шаҳарсозлик, телекоммуникация, транспорт инфратузилмаси соҳаларининг самарадорлигини ошириш талаб этилмоқда. Бунда айнан Ерни масофадан зондлаш, навигация тизимлари, сунъий йўлдошли алоқа каби космик технологиялар йўналишларида илмий-амалий ишларнинг ўрни бекиб. Шу муносабат билан 2019 йил 30 августда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида"ги фармони имзоланди. Мазкур фармон билан мамлакатимизнинг янада барқарор ривожланиши, жумладан, иқтисодийнинг турли соҳаларида инновацион космик технологиялардан фойдаланиш орқали мавжуд илмий-техник салоҳиятни самарали амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ("Ўзбеккосмос" агентлиги) ташкил этилди. Фармонда "Ўзбеккосмос" агентлиги космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ягона давлат сисемаси ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи сифатида белгилаб қўйилди. Шунингдек, ушбу фармон билан "Ўзбеккосмос" агентлигининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилиши, Агентлик бош директори мақоми вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарлари мустақамлаш ҳамда ижтимоий таълимнинг мазкур соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётганидан далolat.

тадқиқотлар ва технологиялар, илмий-изланиш, тажриба-конструкторлик ва инновацион ишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, космик фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича кадрларни, етакчи хорижий олий таълим муассасаларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, стратосфера ва бошқа учувчисиз учуш аппаратлари, шунингдек, ерни масофадан зондлаш ва йўлдошли алоқа космик аппаратларини қўллаган ҳолда давлат органларига масалаларни ҳал этиш самарадорлигини оширишда кўмаклашиш, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

Соҳа ривожини салоҳиятли кадрларга боғлиқ

"Ўзбеккосмос" агентлиги ҳузурида тегишли манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасидаги халқаро экспертларни ўз таркибига киритган Илмий-техник ва эксперт кенгаши ташкил этилган. Космик тармоқни ривожлантиришнинг стратегик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш мазкур Кенгашнинг ҳулосалари асосида амалга оширилмоқда.

Агентлик хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, 2021–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқди. Мазкур концепцияда назарда тутилган вазифалар ижросини сифатли


Космик фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш, уларнинг етакчи хорижий олий таълим муассасаларида малакасини ошириш билан боғлиқ масалаларда ҳам агентлик зиммасида қатор вазифалар мавжуд. Шу боис, доимий равишда олий таълим муассасаларида тарғибот тадбирлари, амалий аҳамиятга эга бўлган давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда. Агентлик томонидан Ўзбекистоннинг бир қатор техника ва АТ йўналишидаги университетлари билан икки томонлама ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадида келишувлар имзоланган. Улар асосида космик соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва янги йўналишлар ташкил этиш, илмий ишлар олиб бориш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ҳамкорлик қилинмоқда.

Бу эса, кейинги йилларда, албатта, ўз самарасини кўрсатади.

Халқаро тажрибани ўрганиш — юксалиш омили

2021 йилнинг 23 июнь куни "Hilton Tashkent City" меҳмонхонасида "Maha Technologies", "Esril" ва "SpaceX" компаниялари иштирокида "Discovery Day Uzbekistan" конференцияси ўтказилди. Конференцияни ўтказишдан мақсад космос соҳасидаги илгор компаниялар тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётга қўллашдир. Конференцияда космик технологияларни жорий қилиш орқали иқтисодийнинг турли соҳаларида геоабхорот маълумотларидан фойдаланиш имкониятлари таништирилди.

Бундай нуфузли компаниялар билан



Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани — Чорвоқ сув омбори атрофидаги ерларни мониторинг қилиш лойиҳаси доирасида умумий майдони 800 км² дан ортиқ ерлар космик суратга олинди, космик мониторинг тизимини жорий этиш натижасида мазкур ҳудуддаги турар жойлар, нотураж жойлар, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ерлар, ўзлаштирилмаган ерлар, маълумоти тўлиқ бўлмаган объектлар аниқланди.

ва самарали амалга ошириш ҳамда мамлакатимизда Космик фаолият ривожланишининг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг "Космик фаолият тўғрисида"ги қонуни ишлаб чиқилмоқда. Умуман, "Ўзбеккосмос" агентлигининг фаолияти билан бевоқиф боғлиқ бўлган соҳаларни ривожлантириш борасида ҳуқуқий асос бўладиган қўлаб қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш агентлик олдидаги энг муҳим долзарб вазифалардан ҳисобланади.

ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашиш беқеъи аҳамиятга эга. Мисол учун, АКШнинг дунёга машҳур "SpaceX" компаниясини олайлик. У фазовий техникалар ишлаб чиқарадиган дунёдаги энг йирик компаниялардан саналади. "SpaceX" томонидан Falcon 1, Falcon 9 ва Falcon Heavy ракета-ташувчилар, "Dragon" деб номланган фазовий кема ишлаб чиқарилишининг ўзи мазкур компания салоҳиятидан далolat беради. Бундай компаниялар вакиллари билан мулоқотлар ва ҳамкорлик истиқболлари

келажақда яхши самара беришига шубҳа йўқ.

Қозғоғистон Республикасининг космик соҳадаги тажрибасини ўрганиш мақсадида мазкур мамлакатнинг Рақамли ривожлантириш, инновациялар ва аэрокосмик саноати вазирлиги Аэрокосмик қўмитаси ҳамкорлигида "Ўзбеккосмос" агентлигининг мазкур давлатга ташрифи ташкил этилди. Ташриф доирасида "Ўзбеккосмос" агентлиги ва Қозғоғистон Республикаси Аэрокосмик қўмитаси ўртасида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида Ерни масофадан зондлаш технологияларидан фойдаланган ҳолда қўшма синов лойиҳаларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси эҳтиёжларини қондириш учун Қозғоғистон Республикасининг Ерни масофавий зондлаш маълумотлари ва сунъий йўлдош алоқа тизимлари имкониятини кўриб чиқиш, "Қозғоғистон Гарши Сапар" ва бошқа ишлаб чиқариш қуввати бўлган корхоналарда амалиёт ўташини ташкил этишни назарда тутувчи ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги баённома имзоланди.

Корея Республикаси Фан ва ахборот-коммуникация технологиялари вазирлиги, Корея аэрокосмик тадқиқотлар институти (KARI), "SI Imaging Services"нинг сунъий йўлдош билан ишлаш бўйича мухтаассислари ҳамкорлигида космик фазо тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, Жанубий Корея таълим муассасаларида ўзбекистонлик мутахассислар учун космик фанлар бўйича магистрлик, шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Учувчисиз учуш қурilmалари бозорини либерализация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учуш қурilmаларини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш масалалари юзасидан дунёнинг етакчи компаниялари, жумладан, "Nokia" (Финляндия), "Leonardo" (Италия), "Altitude Angel" (Буюк Британия), "Aviators" (БАА, "CATC" (Хитой Халқ Республикаси) вакиллари билан музокаралар олиб борилди ҳамда улар томонидан ҳамкорликда мазкур тизимни жорий этишда иштирок этишга тайёрлиги билдирилди.

Турли йўналишларда амалга оширилган тажриба лойиҳалари

Агентлик томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажриба лойиҳалари доирасида Бухоро вилояти туманларидаги 18,7 минг гектар, Самарқанд вилоятидаги 177,1 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларида космик мониторинг ўтказилди.

Натижада тўпланган маълумотлар базаларини сунъий интеллект технологиялари орқали интеграциялаган ҳолда, Ерни масофадан зондлаш технологиялари геологик маълумотларини таҳлил қилувчи "Агроплатформа" тизимининг намунали рақамли платформаси жорий этилди.

Транспорт йўналишида фикр юритадиган бўлсак, Ўзбекистонда автомобиль йўллари рақамлаштириш бўйича тажриба лойиҳалари доирасида Самарқанд вилоятида барча турдаги 1160 км² автомобиль йўллари космик мониторинг қилинди. Бунинг натижасида 2455 километр йўл рақамлаштирилиб, сунъий интеллект ёрдамида рақамли платформага интеграция қилинди.

Шунингдек, Агентлик Давлат геология қўмитаси билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятининг Сангарда тоғларидаги 100 км² майдонда фойдаланиш қазилмаларининг геологик хариталарини яратиш ва янгилаш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани — Чорвоқ сув омбори атрофидаги ерларни мониторинг қилиш лойиҳаси доирасида умумий майдони 800 км² дан ортиқ ерлар космик суратга олинди, космик мониторинг тизимини жорий этиш натижасида мазкур ҳудуддаги турар жойлар, нотураж жойлар, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ерлар, ўзлаштирилмаган ерлар, маълумоти тўлиқ бўлмаган объектлар аниқланди.

Шу билан бирга, агентлик томонидан илгари сурилаган инновацион космик технологиялардан фойдаланиш иқтисодий тармоқларининг, жумладан, ер муносабатлари соҳасида ноқонуний қурилуш объектлари, шунингдек, фойдаланилмаётган, ҳисобга олинмаган, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган, буш ва мақсадли фойдаланилмаётган ерларни, ўрмон хўжалиги соҳасида ноқонуний дарахт кесилиш, сув хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан номақбул фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, геология ва минерал-ресурслар соҳасида карьерлар, ташламалар ва қуймаларни қуатиш орқали рухсат этилган зонадан четга чиқиш ҳолатларини аниқлаш тизимини такомиллаштириш ва мазкур ҳолатларни бартараф этиш имконини беради.

Ҳулоса ўрнида айтиш жоизки, XXI асрда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун космик тадқиқотлар ва технологиялар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур соҳага қаратилган эътибор Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар қаторига кириш имкониятини таъминлаб, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга, юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеини оширишга замин яратади.

МЕҲР ВА МУРУВВАТ

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА

Усмонали НОРМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Денов туманидаги "Қуёшли юрт" маҳалласида яшовчи эр-хотин Илҳом Жумаев ва Озода Жўраева маслаҳатлашиб, Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйидан 10 нафар етим ўғил-қизни ўз қарамоғига олиб, оилавий болалар уйини ташкил қилди. Ҳолбуки, бу оила фарзандсиз эмас, 3 нафар ўғли бор эди.

Хонадон бекаси Озода Жўраеванинг айтишича, эр-хотин етим болаларни боқиб ва тарбиялашни шунчаки ҳавас ёки уйда ўтириб тайёр машога эга бўлиш учун зиммаларига олгани йўқ. Озода етимлик азобини бошидан ўтказган. Ота-онаси ўзаро келишмовчилик туфайли ажрашганда эндигина мактабнинг 4-синфига ўтган Озода, 3-синфда ўқийдиган синглиси Марғуба ҳамда 1-синфга қадам қўйган укаси Акбарни едириб-ичириш, кийинтириш ва тарбиялаш ёлғиз она Турдихол Жўраева гаданига тушганди.

Икки қаватли уйнинг 2 хонали квартирасида уч фарзанди билан яшаган ёш она болаларини бошқалардан кам қилмай улғайтириш учун Денов тумани марказидаги дорихоналардан бирда ишларди. Баззида тунги сменада ҳам қолишга мажбур эди. Уша даврда Денов туманида болалар боғчаси санокли бўлиб, ташкилот, корхона ва мактабларда ишловчи аёллар Турдихол опадан қизи Озода болаларига қараб туришини илтимос қиларди. Шу тарзда у ёшлиқдан болаларвар бўлиб ўсди.

Озода оиланинг тўнғичи бўлгани учун тез орада, онасининг ёнига кирди, унга ёрдамчи бўлди. Етим болаларга дуч келганда имкон қадар кўмаклашар, "оила қурсам, етимларни олиб тарбиялайман, жуфти ҳалолим билан ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар оёққа туриши учун кўмаклашаман", дея беғубор ниятлар қиларди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Етим болалар ва ота-она қарамидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шаклларини танлаш, оила институтини мустақамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан воқиф бўлган, оилавий болалар уйи очилган қарор қилди.

Аммо ҳар хил сабабларга кўра бу мақсадни орқага сурилавверди. Ўтган йили пандемия туфайли турмуш ўртоғи анча вақт ишсиз бўлиб қолди. Дард келса қўша-қўша келади, деганларидек, ўзи ҳовлисидаги зинапоядан йиқилиб, оёғи шикастланди. Шунда оилага



"Қуёшли юрт" маҳалласи фаоллари ёрдамга келди. Уни "Аёллар дафтари" рўйхатидаги қиритишди. Маҳалла раиси Эркин Боймуродовнинг ташаббуси билан "Саховат ва кўмак" жамғармасидан оилага доимий ҳомийлик қўрсатилди. Оёққа турган Озода Жўраева Меҳрибонлик уйидан етим болаларни қарамоғига олиб, тарбиялаш орузини рўёбга чиқаришга киришди. Унга Денов тумани халқ таълими бўлими қоллидаги васийлик кенгаши мутахассислари, туман ҳокимлиги ва маҳалла фаоллари амалий ёрдам берди. Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйида ташкил этилган тайёрлов курсида ўқиб, сертификат олди.

Бугун Озода Жўраева яшайдиган хонадонда ташкил қилинган давлат тасарруфидаги болалар уйида ўзларининг уч ўғли билан бирга мазкур Меҳрибонлик уйидан қабул қилинган 10 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Айтиш кераки, Озода Жўраева ва турмуш ўртоғи Илҳом Жумаевнинг хонадонидан то Меҳрибонлик уйидан бола олгунларича ҳам барча шариот муҳайё ва турмушлари фаровон эди. "Аёллар дафтари" рўйхатида турган Озода банкдан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига қоллипи нон тайёрлаш цехини очган, кунига 800 донанон тайёрлаб сотарди. Бундан ташқари,

гарчи қўлтиқтаёққа суяниб юрса ҳам, Озода кунига 40 донанон қаймоқли патир пишириб, бозорда сотарди. Болалар уйи ташкил этилган, уйлари сифатли таъмирдан чиқарилди. Деновлик тадбиркорлар — Акмал ва Шодмон Тангирқулловлар, Хуршид Мамашарипов, "Саодат текстил" хусусий корхонаси раҳбари Зарина Зиқирова оилага ҳомийлик қилиб, хонадонни музлаткич, кондиционер, телевизор, газ плита, ётоқ қаравотлари, кўрпача, чойшаб ҳамда кўрпа-ёстиқ жилдлари билан таъминлашди. Миллий гвардия болалар ётоғи учун иситиш печларни ажратди.

Хонадонда барқарор оилавий муҳит шаклланиши ўғил-қизларнинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатаётди. Бу жараён улар билан суҳбатлашганимизда янада ойдинлашди. — Анча йил Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйида тарбияландим. У ердаги шариотдан нолимайман, лекин ҳаммаси — оқватланиш, ухлаш, туриш, бирор жойга чиқиш режим асосида бўлгани учун бироз қийналардим, — дейди Бобур Саодатов. — Ойладагидек эмин-эркин ҳаракат қилолмайсан. Бу уйга келганимиздан бери жуда эркинмиш. Барбир оиладаги муҳит ва тарбиянинг ўрни бошқача экан. Оқватланиш жараёни ҳақида гапирганинг бўлсам, Меҳрибонлик уйидаги опаларимиз ҳамма нарсани стопларга келтириб қўярди, еб-ичиб, туриб кетаверардик. Коса-товонки йиғиштириш, ювиш, тозалаш ишларини хизматчилар бажарарди. Ойлада эса оқватланганча, дастурхонга фотиҳа қилинади, коса-товоқ, пиёла, чойнак ва бошқа идишларни йиғиштириш ҳамда ювишни бирга бажарардик. Меҳнат қилишга ўрганганимиз. Бундан ташқари, тутинган ота-онамизнинг бозор-учари ва бошқа рўзгор юмушларига кўмаклашардик, одамлар-

га қўшилишимиз. Мактабда эса тенгдошлар билан дўстлашганимиз, аъло баҳоларга ўқийдиган ва ҳулқи намунали болалардан одоб, тарбия, яхши ўқиш борасида ўрнак олашимиз.

— Етимнинг бошини силлаш халқимизга хос фазилат. Иккинчи жаҳон уруши даврида ота-онасиз қолган болаларнинг Ўзбекистонга эвакуация қилинган, ўша оғир кунларда ҳам ўзбек хонадонлари мингларча етимларни қарамоғига олган. Ҳозир-чи, омон-омон даврда яшаймиз, — дейди Озода Жўраева. — Мен 10 нафар ўғил-қизни Меҳрибонлик уйидан фақат боқиб, тарбиялаш учунгина қарамоғимга олган эмасман. Болалар 18 ёшга тўлгандан кейин ҳаёт қийинчиликлари олдида яққаланиб қолмаслиги ва оғир дамларда уларга тиррақ бўлишни ҳам мақсад қилганман. Аёнки, кўп оилаларда фарзанди 20 ёшга кирган бўлса ҳам ота-она қарамотида, улар мустақил ҳаёт йўлини топиб кетгунича ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашарди. Бу борада режаларим катта. Яқин келажакда "Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида"ги қонун талабларига асосан туман раҳбарлигига мурожаат қилиб, беш гектар ер олмоқчиман. Бу жойда фермер хўжалиги ташкил қилиб, болаларим билан чорвачилик, паррандачилик, боғдорчиликни йўлга қўямиз. Шунингдек, сутни қайта ишлаш, пайпоқ ишлаб чиқариш, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехини очишни, иссиқхона қуриб, эртаки сабзавотлар ҳамда лимон етиштириш билан шуғулланишни режалаштирганмиз. Зеро, 13 нафар ўғил-қизни уйли-жойли ва ишли қилиш, касб-хунарга ўргатишни ўзимизнинг ота-оналик бурчимиз деб билишимиз. Ишончим комилки, режамиз қуруқ гап бўлмай, албатта амалга ошади.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

БОЛАЛИК ДУНЁСИДА ЭЗГУЛИК УЙҒОТИБ

ёхуд кўғирчоқ театридан катта театр сари

Очиги, кўғирчоқ театрига аксарият катталар унчалик менсимай қараш бор гап. Аслида, жуда қадим ва жонли ижро этиладиган томошалар бола руҳиятига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатишини унутгандекмиз.

инсценировка қилинди. Н.Ҳабибуллаевнинг "Фотиманинг саргузаштлари", А.Қобуловнинг "Раҳим ва кўнғиз", Р.Фарходийнинг "Ўткир шохли буқача", "Ким ойни ўйрлади?" каби саҳна асарлари дунёга келди.

қарор қабул қилинган эди. Аммо мазкур қарор ижросига 2019 йилдагина киришилди. 11 миллиард сўмлик маблағ эвазига таъмирдан чиқарилган театр биноси бугун бутунлай ўзгача кўринишга эга бўлди.



Саховатли куз зар поядозини тўшаган йўлак бўйлаб борар эканман, хаёлимни икки аёлнинг ўзаро сўхбати бўлди: — Таътилда болаларни қаерларга олиб бормоқчисиз?

театрига борган бола "Ёш томошабинлар театри"га ҳам боради. Чунки у театрда энг яхши маънавий озуқа олиш мумкинлиги, унда чицакам ҳаёт акс этиши, спектакль берадиган таассуротни ҳеч қайси техника воситасидан олиб бўлмаслигини яхши ҳис эта олади.

Бола тарбиясида муҳим ўрин тутадиган шу каби жиҳатлар, қолаверса, капитал таъмирдан чиқиб, янги қиёфа касб этган Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри фаолияти ҳақида мақола ёзишни дилга тукқанди, аслида, Бинобарин, юртимизда дунё эътироф этган, ўзбек кўғирчоқбозлигини оламга танитган шундай даргоҳ борлигидан фахрланишимиз, унинг тарихи ва бугунги фарзандларимиз ҳам яхши билиши фойдадан холи эмас.

Катта тажриба бор

1939 йил Тошкент шаҳрида махсус қарор билан ўзбек ва рус труппалари асосида ягона — республика кўғирчоқ театри ташкил этилиб, унда машҳур санъаткорлар Пўлатжон Дониёров, Зулайхо Исқоқова, Елена Подгурская фаол иштирок этган. Театр фаолиятининг бошланиши иккинчи жаҳон урушига тўғри келди. Су-

Чорак аср давомида бу театрда санъат арбоблари И.Яқубов ҳамда В.Акудин ижодий ҳамкорликда энг сара асарларни саҳналаштириб, унинг нуфузини оширишга катта ҳисса қўшди. Театр 80 йиллик ижодий фаолияти мобайнида Республика ва халқаро микёсдаги турли фестивалларда иштирок этиб, Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Қозғоғистон, Бирма, Афғонистон, Ҳиндистон, Болгария, Франция, Германия, Миср, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ давлатларида ижодий сафарда бўлди, ўзбек миллий кўғирчоқ санъатини дунёга танитди.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимизнинг қоқ марказидан ўрин олган кўғирчоқ театри барпо этилишида Шароф Рашидовнинг катта ҳиссаси бор. Дунёнинг жуда кам

— Ёзда иссиқ, қишда совуқдан қийналар эдик. Ота-оналардан жуда кўп шикоятлар бўларди, — дейди театрнинг адабий бўлим мудири Икромжон Эрқулов. — Уларнинг "Спектаклни маза қилиб томоша қилди, лекин болаларимиз совуқ қотиб қолди, қишда совуқ ёки ёзда иссиқда ўтириб бўлмади, ҳаво йўқ" каби эътирозлари ўринли эди. Шунингдек, ёриткичлар, овоз қучайтиригичлар билан боғлиқ муаммолар ҳам талайгина бўлган. Хайриятки, ҳозир бу муаммолар барҳам топди. Ҳаммаси кўнгилдагидек. Хукуматимизга катта раҳмат. Театримиз жуда чиройли ҳолатга келди. Болалар спектакль билан бирга янги бинони томоша қилиб ҳам маза қиляпти. Мўъжазгина ҳовли, бу

болаларни ҳам олиб келишади. Табиийки, халигина қулиб, ўйнаб турган бола ҳам илк бор театрга келганида инжиқлик қилиши, қоронғу саҳнадан, ёввойи ҳайвонлар, айниқса, бўридан қўрқishi мумкин. Айни вазиятда педагог тарбиячилар бола билан кўниктириш ишларини олиб боради. Таъқрига олиб чиқишади, спектаклдан олдин кичкинтойларда эртанинг нима ҳақида экани, унда қайси персонажлар иштирок этиши, умуман, олдинда болани куатётган воқеалиқлардан уларни хабардор этиш асосида кўника ҳосил қилишади. Шунга қарамай, юқоридаги ҳолатлар кузатишдан тақдирда ҳам улар болаларнинг кўнглига йўл топади.

Аммо ютүк бор жойда, албатта, камчилик ҳам бўлганидек, кўғирчоқ театрида ҳам драматургия борасида бошқа театрлардаги каби муаммолар бор. Айни пайтда шу муаммолар ечими устида ҳам иш олиб бориляпти.

Истиқболи порлоқ даргоҳ

— АҚШнинг Сизтл шаҳри билан ҳамкорлигимиз яхши. Жамоамиз қайси давлатга гастроль, сафарига чиқадиган бўлса, спектаклни ўша давлат тилида қўйишга ҳаракат қилади. Бир неча йил аввал америкаликлар театримизга ташриф буюрганида "Яна Андерсен" спектаклини инглиз тилида намойиш қилиб бердик, — дейди Икром ака. Пандемия сабабли театрнинг гастроль сафарлари бироз чекланган бўлса-да, ижодий жамоа ишлашидан тўхтагани йўқ. Репертуар хилма-хил. Унинг мундарижасида катталар ва болалар учун мўлжалланган "Юрт тумори", "Тумарис", "Широк", "Баҳром ва Дилором" "Бу, ўша Хўжа Насриддин" "Семурғ" "Соя", "Яна Андерсен" "Юлдузли бола", "Маша буви ёлган бугирсоқ" ва яна кўплаб саҳна асарлари бор.

Дарвоқе, театрга яқиндагина Швейцариядан 20 нафар ёш архитектор ташриф

Шунингдек, ёш архитекторлар театр биноси дизайни, катталар учун алоҳида, болалар учун кўтариладиган ўриндиқларни кўриб янада ажабланди. Бир талабанинг "Одам сеҳрга дуч келса, хайратланади, театрнингизга киривериндан хайратга тушидик. Биз бу борада бошқача тасаввурда эдик, бутунлай фикримиз ўзгарди", дегани беҳитиёр қалбингизни гурурга тўлдирди. Дарҳақиқат, бола спектаклини яхши кўра олиши учун кўтарилишга мосланган ўриндиқлар Венгриядан 1979 йилда келтирилган бўлиб, таъмирлаш натижасида улар яна янги ҳолга келтирилди.

Дарвоқе, айни пайтда театр ижодий жамоаси Л.Попейская ва Г.Крчупованинг "Лайлача ва қўриқчи" эртагига асосланган янги спектакль устида иш олиб бориляпти. Машҳур саҳна асарини режиссёр Динара Ҳолдашева саҳналаштирмоқда. Саҳналаштирувчи расом Н.Фахрутдинова, бастакор Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби А.Икромов. Актёрлар Ш.Эшмухамедова, С.Ваҳобова, А.Мирзағиёсов, О.Исаков ва Л.Азимованинг кўғирчоқлар билан илк танишув онлари ҳис-ҳаяжонга тўлиқ бўлиб, олдинда уларни қизиқарли ижодий жараёнлар, топилмалар, илҳом қувончлари, машаққатли ишланишлар, болажонларни эса "Уч қувноқ дўмбоқча", "Фотиманинг саргузаштлари", "Қизил қалпоқча", "Майна китоби ёки вақт ҳақида ҳикоя", "Ўжар қуёнча" каби бир-бириндан қизиқарли спектакллар намойиши кутаяпти.

Бугунги кўғирчоқ томошалари янада қизиқарли, янада жонли шаклда ижро этилмоқда. Энг муҳими, бундай жонли ижро болаларни ушбу воқеалар иштирокчисига айлантиради. Болаларнинг томошаларни турли техник воситалар орқали эмас, жонли саҳнада кузатиши,



мамлакатларида бўлган бундай бино айнан унинг ташаббуси билан қад ростлаган. Театрнинг 80 йиллиги муносабати билан Ш.Рашидовнинг "Қашмир қўшиғи" асари асосида Муниса Эгамназарова саҳналаштирган "Қашмир афсонаси" спектакли театр репертуаридан ўрин олди.

Охириги йилларда Ўзбек Миллий кўғирчоқ театрида нафақат болалар учун, шунингдек, катта ёшдаги томошабинлар учун ҳам асарлар намойиш этиляпти. Режиссёр Ш.Юсуповнинг "Юрт тумори", "Тумарис", Д.Юлдашеванинг "Яна Андерсен", "Қарсилдоқ", "Юлдузли бола", "Ох, бу Хўжа Насриддин", "Соя" спектакллари, Ф.Хуҷаевнинг "Чўп кўғирчоқ" спектакллари, айниқса, томошабинлар меҳрини қозонди.

Мақолани тайёрлаш жараёнида театр бosh режиссёри Шомурод Юсуповнинг ижтимоий тармоқлардан бирда келтирилган ушбу фикрлари эътиборимни тортди: "Миллий кўғирчоқ театри номи берилиши миллий асарларнинг кўпайишини талаб этади, албатта. Шунингдек, кўғирчоқларга миллий либос кийдириш билан ҳам миллийликка эришиб қолимайди. Миллийлик спектаклнинг ғоясида акс этиши керак. Аммо бу жаҳон драматургиясидан керак кечми керак, дегани эмас. Жаҳон таърибасидан ўтган асарлар, албатта, репертуарда бўлиши лозим. Биз ҳам театримизда ушбу таърибани қўллашни мақсад қилганмиз. Шу мақсад йўлида "Тумарис" спектаклини саҳналаштириб, илк қадамни ташладик", дейди режиссёр.

Бугун кечагидан бошқача

2014 йилда Республика кўғирчоқ театрини капитал таъмирлаш тўғрисида

ердаги ўзига хос табиат манзараси кичкинтойларда ёрқин таассурот қолдираётганига шубҳа йўқ.

Болангиз қайсар бўлса ҳам...

Вилоятлар кўғирчоқ театрларида кадрлар етишмаслиги муаммоси ҳам йўқ эмас. Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Кўғирчоқ театри режиссураси ва актёрлиги факультети вилоят театрларига ҳам етарли кадрлар тайёрлайди, аслида. Лекин ушбу факультетни битирса-да, телевидение, радио ва бошқа соҳаларга кетиб қоладиган мутахассислар эвазига жойларда кадрлар тақчиллиги кузатишмоқда. Ўзбек Миллий кўғирчоқ театрида айнан кадрлар масаласи ҳам алоҳида танлов асосида ҳал қилиниб, энг иқтидорлилар танлаб олинади. Шунинг учун кадрлар салоҳияти бу ерда анчагина юқори. Улар, албатта, ўзбек ва рус тилларини мукамал билади. Икром аканинг айтишича, аксарият ота-оналар репертуар билан алоҳида қизиқади. Қайси спектаклда нима илгари сурилади, неча ёшли болаларга мўлжалланган, хуллас ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олгангина фарзандларини олиб келади.

С.Образцов номидаги Халқаро фестивалда Россия оммавий ахборот воситалари ходимлари бизнинг актёрларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг рус тилидаги талаффузига қўйил қолишган. Яна бир жиҳат. Бу ерда педагог тарбиячи штати ҳам мавжуд. Театрда ҳам педагог штати бўлади, дея ажабланишингиз мумкин. Бир йўлаб кўринг, катта театрларга ёш болаларни нега қирғизишмайди? Кўғирчоқ театрига 2-3 ёшли



буюрди. Уларни театр биноси, фаолияти билан таништирган театр ходимлари ўзлари ишлаётган муқаддас даргоҳга янада чуқурроқ меҳр қўйгани аниқ. Боиси, сайёҳлар давлатимизнинг кўғирчоқ театрига бўлган эътиборини алоҳида эътироф этди: "Бизда ҳусусий театрлар бор. Наридан бора, 40-50 нафар бола сийиши мумкин. Давлат тасарруфидега бунақа театрларимиз йўқ. Сизларнинг давлатнинг болалар маънавиятига катта эътибор берар экан".

Муножат МўМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ласининг ўқитувчи назоратида эканидан кўнгли туқ бўлган кўплаб ота-оналар жила курса, унинг театрга қандай бориб-келгани, таассуротлари ҳақида сўрашга ҳам вақт топмайди.

Тўғри, болалар ҳайвонот боғига ҳам бориши керак, лекин уларда театрга бориш маданиятини қачон шакллантирамиз? Таълимнинг пойдевори — болалар боғчаси. Катта театрга меҳрини болаликдан, аниқроғи, кўғирчоқ театри томошаларидан уйғотиш кераклигини, бу эса биз, ота-оналарга боғлиқлигини жиддийроқ уйлаб курсак бўларди. Кўғирчоқ

ронли йилларда театр жамоасига фидойи, ўз ишини моҳир устаси Р.Анаёвва раҳбарлик қилиб, ўша замоннинг руҳи ва талабига мос спектакль ва концертларни томошабинларга тақдим этган.

Урушдан кейин театр жамоаси жаҳон мумитоз асарларига мурожаат қилиш билан бирга, ўз миллий саҳна драматургиясини яратиш йўлида ҳам тинмай иш олиб борди. Катта ёшдаги томошабинлар ва болажонлар учун кўплаб спектакллар саҳналаштирилди. Жумладан, А.Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин", Х.Олимжоннинг "Семурғ", "Ойгул ва Бахтиёр" дostonлари

САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО БИЕННАЛЕ

Гулиҷеҳра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Замонавий амалий-безак санъати: безак ва услуб" III Тошкент халқаро амалий санъат биенналесини иш бошлади.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ўялоплар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 3609. 76042 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова Мусахҳи: Асолат Шербекова Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 22:30 Топширилди — 23:35